



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
КЕЛАЖАГИ
БҲҲҲҲ
ДАВЛАТ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2003 йил 6 июнь, №118-119 (3230-3231) Жума



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов 5 июнь кун Оқсаройда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония-Ўзбекистон қўмитаси раиси, "Мицуи" компанияси бошқаруви раиси Нобуо Охашин раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Япония икки томонлама муносабатларни жадаллик ва изчиллик билан ривожлантириб келмоқда. Қуни кеча пойтахтимизда иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмиталарининг навбатдаги қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу тадбир ўзаро алоқалар қўламини кенгайтиришни янги имкониятларини очиб бериши, шубҳасиз,

Сўхбат чоғида Президент Исом Каримов Ўзбекистон раҳбарияти Япония билан ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор беришини, қарор топган муносабатларни юксак қадрлашини таъкидлади. Таъкидлаш жоизки, Япония ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик катта аҳамият беради. Зеро, мамлакатларимиз нафақат иқтисодий алоқалар, бал-

ки сиёсат, жумладан, халқаро масалалар борасида ҳам кўп жиҳатдан ҳамфикр. Оқсаройдаги сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлиги янада ривожлантириши, мамлакатимизга Кунчиқар ўлкадан келтириладиган замонавий технологиялар ва жалб этиладиган япон сармоси ҳақини оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. (ЎЗА).

СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРАИГИДА УЧРАШУВ

ТОШКЕНТ (ЎЗА мухбири Бобур СОБИРОВ). Мамлакатимизга ташриф буюрган Украинадаги илмий-технологик марказ ижрочи директор Ив Кармел раҳбарлигидаги делегация вакиллари 5 июнь кун Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Содиқ Сафоев билан учрашди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистондаги корхона ва ташкилотлар билан мазкур марказ ўртасидаги ҳамкорлик жадал ривожлантириш бўйича муносабатларни кенгайтириш келаси ҳафта Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтажак мажлиси борасида ҳам

фикр алмашилди. Ив Кармел бу мажлисда ўтказишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатаётгани учун Ўзбекистон ҳукумати миннатдорлик билдирди. 1993 йилда фаолият бошлаган марказ Украина, АҚШ, Канада ва Швеция ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, мақсади мамлакатлар ўртасидаги илмий ҳамкорлиқни ривожлантириш, қуролсизланиш жараёнини қўллаб-қув-

ватлаш, давлатларнинг иқтисодий салоҳиятини тинчлик мақсадларига йўналтиришдан иборат. Украинадаги илмий-технологик марказнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси 2001 йил 5 феврал кун очилган. Шу вақт давомида Ўзбекистонлик мутахассислар томонидан марказга 150 дан ортиқ лойиҳа тақдим этилган. Ив Кармел раҳбарлигидаги делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Бехзод Йўлдошев билан ҳам музоқара ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
А.М.Жўраевни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги этиб тайинлаш тўғрисида
Абдувоҳид Маматқулович Жўраев — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги этиб тайинланган.

Рақобат сиёсати бўйича халқаро конференция

Бозор иқтисодиётида рақобат алоҳида ўрин тутди. У янги технология жорий қилиниши, хизматлар ва маҳсулот нархининг тобора пасайишига олиб келди. Лекин бозор шароитида монополия тўлиқ йўқолиб кетмаслиги мумкин. Монополияни илғи борица чеклаш, рақобатни ривожлантириш асосида истеъмолчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бозор тизимининг ўзига хос йўналишидир. 2000 йилдан буён мустақил фаолият юритаётган республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ушбу йўналишда халқаро ҳамкорликни фаоллаштир-

моқда. Айни пайтда қўмита халқаро антимонопол органлар ҳам-жамиятига аъзо ва хориқ давлатлар билан икки ҳамда кўп томонлама муносабатлар ўрнатган. Қўмитанинг пойтахтимиздаги "Дедеман Силк Род" меҳмонхонасида БМТ Савдо ва тараққиёт конференцияси (ЮНКТАД) билан ҳамкорликда ташкил этилган икки кунлик анжумани ҳам, айнан, рақобат сиёсатини такомиллаштириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган. "Рақобат сиёсати" бўйича халқаро конференция мавзусида ўтказиладиган тадбир антимонопол органлари-

нинг ишида ягона услуб ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, тажриба ва фикр алмашини, мамлакатимиз антимонопол органининг халқаро миқёсдаги мақомини янада юксалтириш ҳамда бу соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга бағишланган. Конференциянинг биринчи кунинда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси А. Бахромоўнинг мамлакатимизда рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳаётта таъбиқ этиш ҳамда уларни такомиллаштириш истиқболлари ҳақидаги маърузаси тингланди.

Шунингдек, МДХ, Шарқий Европа ва Осиёдан келган делегация аъзолари ҳам ўз мамлакатларида бу соҳада олиб бориладиган ишлар ва қўничилик ҳақида сўзлаб беришди. Анжуманда МДХ, Шарқий Европа (Польша, Венгрия, Руминия, Латвия), ривожланган мамлакатлар (Швейцария, Буюк Британия, Нидерландия, Жанубий Корея, Туркия) каби 18 та давлат ҳамда ЮНКТАД ва ЖСТ (Жаҳон савдо ташкилоти) вакиллари иштирок этишмоқда. Ўзбекистонда аккредитация қилинган Осиё тараққиёт банки, ЕТБ, Жаҳон банки, Халқаро Валютаси фонди ва бошқа халқаро молиявий ташкилот ҳамда институт вакиллари ҳам анжуманда қатнашини учун тақдир этилган. Конференция бугун ўз ишини давом эттирди.

Салим ДОНИБОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Халқаро олимпиада ғолиблари

Бу йилги республика фан олимпиадасида муваффақиятлик қатнашиб, ғолибликни қўлга киритган толиби илмлардан бир неча нафари халқаро билимлар синовидан ёрғуз билан Ватанимизга қайтиб келишди. Алматы шаҳрида математика фани йўналиши бўйича ўтказилган халқаро олимпиадада Тошкентдаги 50-мактаб ўқувчилари Алишер Дадақўлиев ва Юлия Медникова кумуш медални қўлга киритдилар. Ижтимоий фанлар йўналишидаги республика гимназияси толиби Бехзод Орипов эса бронза медални соҳиби бўлди.

Ақбар АЛИЕВ.
Булапештни биласизми?
Қадимий ва замонавий меъморчилик обидалари билан машҳур бўлган Венгрия давлати, унинг пойтахти Булапешт шаҳри ҳақида билмоқчимизми? Пойтахтимиздаги замонавий санъат марказида очилган "Булапешт — тарих кўзгуси" номида кўргазмани томоша қилсангиз, бу асим шаҳар ҳақида тўла маълумотга эга бўласиз.

— Ҳар йили Булапешт шаҳрига минглаб сайёҳлар ташриф буюришади, — дейди маросимда сўзга чиққан шаҳар мэри Габор Демски. — Улар юртимизнинг бой тарихи, меъморчилик анъаналари билан яқиндан танишадилар. Кўргазмага қўйилган барча асарлар Булапештнинг тарихи, эртаси ва бугунги ҳақида ҳикоя қилади. М.ТОЖИЕВА.

«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Авваламбор, бугунги унутилмас ва ҳаяжонли дақиқаларда Фарғона водийсининг гаҳвари бўлмиш қадимий ва навқирон Андижон заминига, чиндан ҳам бетакрор ва муҳташам мана шу майдонга тўпланган сиз, азиз ёшларимизни, барча юртдошларимни, "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг иштирокчиларини чин қалбимдан муборакбод этаман.

Уларни шу юксак марраларга олиб чиққан, ўз шогирдларига бугун меҳри, тажриба ва маҳоратини бағишлаган устоз-мураббийларни; фарзандларининг азму шижоати, қадди-қомати-га боқиб, кўнгли тоғдай юксалиб турган барча ота-оналарни самимий қўтайман.

Мана шу ёшлик ва гўзаллик байрамини аъло даражада ўтказиш учун замонавий спорт иншоотларини бунёд этган, шу йўлда сидқидилдан хизмат қилган инсонларни, бугун Андижон аҳлини бугунги шодибона билан қизгин табриқлайман.

Уларга, қўлингиз асло дард кўрмасин, доимо омон бўлинг, ҳеч қачон кам бўлмаг, деб, ўзимнинг энг энг тулаларимни ихлос билан айтман. "Баркамол авлод" номини олган бу мусобақаларни биз Қадрлар тайёрлаш миллий дастуримизнинг яна бир сарҳисиди, янги давлат, янги жамият қуриш, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган ҳаёт бар-по этиш йўлидаги орзу-интилишларимизнинг ёрқин намунаси, деб биламиз.

Биз бу спорт ўйинларини жондан азиз болаларимизнинг ўз қобилият ва истеъдодини тўла намойён этиши учун давлатимиз, халқимиз яратиб бераётган имкониятлар, Ватанимизнинг салоҳияти ва эртанги кунга ишончи тобора ортиб бораётганининг амалий ифодаси, деб қабул қиламиз.

Ҳеч шубҳасиз, бугун бошланаётган ушбу беллашувлар нафақат Андижон вилоятида, умуман юртимизда амалга ошириладиган, икки-уч йил аввал тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган беқиёс ўзгаришларни ўзида яққол мужассам этади.

Мен ишонман, бу мусобақалар юксак савияда, ғалабага интилиш, ҳалоллик ва мардлик руҳида ўтди, ёшларимизнинг парвозига қанот беради, уларни иродаси мустаҳкам, эл-юртга салоқатли, Ватан ҳимоясини ўз зиммасига олган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилади.

Албатта, бундай катта спорт ўйинларининг жўшқин ва кескин курашларга бой бўлиши, майдонга тушган ҳар бир иштирокчи зафар қозониш учун бор куч ва имкониятини сафарбар этиши табиий. Шу билан бирга, бу мусобақаларда барча спортчиларни бирлаштирадиган ягона руҳ — дўстлик ва биродарлик руҳи барқарор бўлади, деб ишонман.

Агарда кимки бизнинг бугунги хурсандчилик ва фахру гуруримизни, шу қувончли даҳларда юрагимиздан кечётган ҳиссиётларини англамоқчи бўлса, майдон узра порлаб турган, ёшларимиз қалбнинг тисмоли бўлган мана шу машъалага бир назар ташласин.

Ишончим комилки, бундай гўзал манзара, бундай улуввор тантанана гувоҳ бўлган ҳар қандай инсон кўнгида гурур ва ифтихор билан бирга, қадимий ва навқирон она юртига меҳр туйғуларини уйғониши мумкин.

Азиз ўғил-қизларим!
Барчангизни бағримга босиб "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг бошланғичи билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлайман. Юксак марраларни эгаллашда ҳар бирингизга fair-play шижоат, омад ва бахт ёр бўлсин, қадри фарзандларим!

Исом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

БАРКАМОЛЛИК САРИ ЙЎЛ

5 июнь кун Андижонда "Баркамол авлод-2003" спорт ўйинлари бошланди

Дунё миқёсидаги кўпгина йирик спорт мусобақаларида Ўзбекистон ёшлари яхши натижаларга эришмоқда. Спорт ёш, мустақил давлатимиз доирасида дунёга таратишда ва халқ орасида соғлом турмуш тарзи қарор топишда улкан роль ўйнамоқда. "Умид нуқуллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" каби ёшлар анжуманлари мамлакат спорт ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Президент Исом Каримов ташаббус билан яратилган, ўсиб келаятган авлоднинг жисмоний тарбиясининг ноёб уч бунгли тизими Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг стратегик муҳим қисмига айланди.

Энг муҳими, соғлом турмуш тарзи қарор топмоқда, одамларнинг, аввало, ёшларимизнинг ўз саломатлигига муносабати ўзгармоқда. Ўзбекистон Булапешт спортини ривожлантириш жамғармаси Васийлик кенгашининг навбатдаги мажлисида ана шу ҳақда ва бошқа муҳим вазифалар ҳақусида сўз борди. Унда Президент Исом Каримов, жумладан, шундай деди: "Болаларимиз соғлом бўлса, миллатимиз бақувват бўлса, ҳаёт синовлари ва қийинчиликларидан қўрқмайди, иродаси мустаҳкам бўлса, энг муҳими шу. Мана шу юғ учун жон кўчириб яшаш ва ишлаш керак". Бугунги кунда фарзандларимизни ҳар томонлама ривожланган инсонлар қўлиб тарбиялаш, спортни оммавий, қўлимиз ҳаққат ҳаракати айлангирчи тонт муҳим вазифалардан. Негаки, ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамоллик инсонга олижаноб шахс бўлиб етишишга ёрдам беради, ҳаётини эса сермазмун ва бой қилади. Уч босқичли спорт тизими эса ана шундай мақсадларга қаратилган.

Шу бонс ушбу спорт мусобақалари йилдан-йилга оммавийлашиб, тобора кенг миқёс касб этиб бормоқда. Икки йил аввал, Жиззахда ўтказилган биринчи "Баркамол авлод" ўйинларида урта махус касб-хунар таълими тизимида тахсил олаётган йилит ва қизлар спортининг саккинз тури бўйича мусобақалашган эди. Бу сафар мусобақалар дастурига 14 та спорт тури киритилди. Ҳар йили давомидан мусобақаларга 270 миң нафар ўқувчи жалб этилди. Финал мусобақаларида иштирок этиш учун Андижонга шаҳар, туман ва вилоят босқичларида толиб чиққан 2786 нафар йилит-қиз тўпланди. Мамлакатимизнинг ҳамма вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорқақпоғистон Республикаси вакиллари бир ҳафта давомида маҳорат ва эпчилликда баҳс олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси коллеж ва лицей ўқувчилари иккинчи "Баркамол авлод" спорт ўйинлари Олий ва урта махус таълим вазирлиги Урта махус ва касб-хунар таълими маркази, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати томонидан Андижон вилояти ҳокимлиги, қатор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ташкил этилди.

"Баркамол авлод-2003" финал ўйинларида тайёрғарлик давомида Андижонда қисқа даврда замонавий ва яхши жиҳозланган Олимпия заҳиралари спорт коллежи бунёд этилди. Бундан ташқари мусобақа мезбонлари қўллаб спорт олимпиади, коллеж ва лицейларни тўлиқ таъмирдан чиқарди ва замонавийлаштирди. Спорт ўйинлари вилоят марказининг спорт майдонлари, Хонобод, Шаҳрихон, Олтинқўла, Марҳамат туманларининг замонавий стадионлари ва спорт майдонларида ўтказилди.

Шу кунларда Андижоннинг кўча ва кўчалари, майдон ва боғларида ажойиб байрам руҳи ҳукмрон. Шаҳарнинг бош спорт майдони — Олимпия заҳиралари коллежи, айниқас гавжум. Мусобақалар очилишига бу ерда минглаб андижонликлар ва анжуман меҳмонлари йиғилди. 20 миң томошабинга мўлжалланган марказий стадион трибуналари лик тўла. Катта спорт мажмуининг барча объектлари байрамона безатилган. Яшил майдон атрофида анвойи гуллар ва ҳиво шарлари турли рангларда ял-ял тоналанди.

Ўйинларнинг очилиш маросими катта байрамни бошлаб берди. Ташаббусланишган томошада мусобақа қатнашчиларининг кўнглига ўт ёқувчи, ғалабага бўлган иштирокчи ёлқинлангирувчи юксак гоғлар ёрқин акс этиди.

Карнай-сурнай салоплари остида яшил майдонга Қорқақпоғистон, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари — мамлакатимиз ёш спорт авлоди вакиллари кириб келди. Бадний ҳаваскорлик қатнашчиларининг турфа хил либослари ва байрамона безаклар яшил майдонда жисва қилди. Андижон ҳарбий қисмида хизмат қилаётган ёш аскарлар томошабинларнинг қарсақлари ва ҳайқирчилари остида Ўзбекистон Республикаси Давлат байрони ва "Баркамол авлод-2003" ўйинлари байрогини олиб кирди.

Тантанали маросимни Андижон вилояти ҳокими Қ. Обидов очди. Президент Исом Каримовнинг "Баркамол авлод" спорт мусобақалари иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат маҳдиаси янграйди. Сўнг стадион узра мусобақа қатнашчилари ва ҳакамларнинг тантанали қасамдлари таралди.

Тантананинг энг ҳаяжонли дамида яқинлашди. Стадионнинг югуриши йўлакчасида машъала кўтарган ёшлар пайдо бўлди. Улар Паркент туманидаги "Физика-Кўш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси материалшунослик инсти-тути кўш оловхонасида ёқилган оловни иштирокчилар ва меҳмонлар ва томошабинларнинг гулдурас қарсақлари остида бутун стадион бўйлаб олиб ўтди. Бошланаётган мусобақаларнинг катта машъаласи ни кураш бўйича республика чемпиони, Андижон олимпия заҳираси коллежи ўқувчиси Гулҳеҳра Омонова ва бокс бўйича республика чемпиони, Асака академик лицейи ўқувчиси Элёр Фуломов ёқди. Ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний куч-қудрати раъзи бўлган машъала осмонга буй қўзди.

Чироқларнинг ранг-баранг нурлари байрамга ўзига хос файз бағишлади. Миллий чолгу асбоблари навоилари остида очилиш маросимининг концерт дастури бошланди. Музека ва қўшқилар трибуналар ва яшил майдондаги таъбирчан манзараларда ҳамонинг жарангайди. Замонавий меъморий иншоотлар таъбирлари мусобақада қатнашаётган вилоятли номлари, "Баркамол авлод", "Ўзбекистон", "Спорт", "Тинчлик" сўзлари билан алмашди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон йилит-қизларининг иккинчи бор ўтказиладиган "Баркамол авлод - 2003" спорт ўйинлари бошланди. Энди бир ҳафта давомида Андижон мамлакатимизга қўллаб-қувватлашди спортчилар номларини кашф этади. Ёш спортчилар авлоди мусобақаларда чинқиб, таърибсининг ортиради, ва табиийки, уларнинг энг истеъодли вакиллари келгусида жаҳон спорт майдонларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

"Баркамол авлод-2003" ўйинларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирли ўринбосари Х.Кароматов иштирок этиди.

Илҳом РАЗОҚОВ,
Расулхон КАМОЛОВ,
ЎЗА мухбирлари.

АДОЛАТ ТАРОЗИСИ

Азиз муштарий, мана, эътиборингизга сиз кутган "Газета ва газетхон" саҳифасини яна ҳавола этдик. Таҳририятимизга ишонч ва умид билан йўллаётган мактубларингиз сони тобора кўпаяётгани қувонarli. Уларда сизларнинг ташвишларингиз, ўй-англишларингиз, фикр-мулоҳазаларингиз акс этади. Биз таҳририятимиз почтасида кўпроқ ҳаётингизнинг нузли лаҳзалари, эришяётган ютуқларингиз, муаммоларни ҳал этиш борасидаги тақдирларингиз билдирилган хатлар кўпайишини истардик. Лекин ҳаёт бор экан, унда хато ва камчиликлар, турли хил тўсиқлар бўлиши табиий эканлигини эътироф этмай йил ўйқ. Тараққиёт, ривожланишнинг азалий қонуни ҳам шу, деган мулоҳаза билан сизлардан келган мактубларни саралаб олдик.

Хатларни ўқиб...

Маълумки, иқтисодий ислохотларни жорий этиш йўлида қишлоқ хўжалиги алоҳида ўрин тутadi. Президентимизнинг 2003 йил 24 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони фермерлик ҳаракати эътиборини янада кучайтириш вазифасини қўяди. Бироқ қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида чиқарилган бир қатор ҳужжатларнинг ижроси ҳамма жойда ҳам қўйилганидек эмаслиги таъкидлаш керак.

Фермер хўжалигига 157-контур ўрнига 230, 231 ва 342-контурлардан ер ажратилган. Ширкат хўжалиги раиси фермер хўжалиги бу ерда деҳқончилик қилмагани учун ундан икки йиллик фойдани ва техник хизмат ҳақини ундириш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судига muroжаат қилган. Суд эса шундай тўхтамга келган: "Амударё" ширкат хўжалигининг 230, 231, 342-контурлардаги 8,2 гектар ерга

эдим, оқибати яхши бўлмади. Хўжалик раиси бизнинг экинзоримизга келадиган 400 метр узунликдаги ариқни кўмдириб юборди. Ушандан бери еримиз сувсиз қолган. Ҳокимликка қайта шикоятимиздан сўнг еримизни ўлчаб, текширишди. Ҳеч бир камчилик топишгани йўқ. Фақат ички ишлар ходимлари орқали пўнса қилиб қўйдилар".

Ҳақиқатан, қизиқ ҳолат. Нега энди ширкат хўжалиги билан фермерлар, пудратчилар ўртасида сал келишмов-

Газетхон йлқоми

Тун чўкди...
Оҳанлар айлади парвоз,
Ҳайлимдан олов хотира ўтди.
Тун чўкди...
Самода чақнаган палдуз,
Ногоҳим қағрига садосиз кўчди.
Тун чўкди...
Фалакнинг қаро раҳима,
Тақдирим бир парча жонимни тутди.
Тун чўкди...
Меҳрга вобаста юрак
Кўшининг чиқшин зор бўлиб кутди.

Дилфузaxon ҚОСИМОВА.
Кўкxон шаҳри.



Меҳрибонлик

Газетамизнинг шу йилги 12 март сониди "Газета ва газетхон" умумий руқни остида бир туркум хатлар чоп этилган. Улар орасида Фаргона вилояти, Учкўприк туманидаги Шўх қишлоғида яшовчи Замира Кўчқорованинг аризаси ҳамда республика мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари М. Аҳмедов шу муносабат билан таҳририятимизга битган расмий жавоб ҳам бор эди.

Онаизор ўз мактубида ўғли Тўлқинжон Қуролли кучларимиз сафида йигитлик бурчини ўтаётган кезлар бахтсиз ҳодисага учраганини, шу асно қўллари куйиб, чап кўзи жароҳатлангани боис 2002 йил қўқламада ногирон сифатида ҳарбий хизматдан озод қилинганини баён этган. Кейинчилик уни даволаш-

жон Кўчқоровни чуқур тиббий кўриқдан ўтказиб, қандай муолажа қўлаш мумкинлиги ҳақида худоса чиқариш юзасидан кўрсатма берилгани, шундан сўнг вазирикнинг тиббиёт бошқармаси жарроҳлик операциясини амалга ошириш хусусида қарор қабул қилиши таъкидланган.

Яқинда қўйилган жавоб нусхасини олдик:

"Хурматли Замирахон она!
Сизнинг "Халқ сўзи" газетаси муҳарририятига йўллаган мактубингиз вазириятимиз тиббиёт бошқармасида яна бир бор кўриб чиқилди. Сўнг худосага кўра, ўғлингиз Тўлқинжон Кўчқоровни Тошкент шаҳрида жойлашган Марказий ҳарбий клиник госпиталида травмотолог-врачлар кўригидан ўтказиш, жарроҳлик усули қўлаш зарурати туғилса, стационар шартларида МХТКА бепул текшириш ва даволаш учун руҳсат берилди. Эҳтиром ила,
Мудофаа вазирилик тиббиёт бошқармаси бошлиғи, тиббиёт хизмати полковниги
Р.ЗАЛЯЛЕТДИНОВ".

Мазкур хабарнома нусхалари таҳририятимизга ва мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарига маълумот тарикисидан, Марказий ҳарбий клиник госпитал бошлиғига ижро этиш учун юборилди. Ҳа, меҳр-оқибат бор жойда ортинча ташвишу изтиробларга ўрин қолмайди...
Абдуноби ХАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" муҳбири.

Тинчлигимиз таянчи

Ифтихор

Болалигимизда ҳар биримиз ҳарбий хизматдан қайтган акаларга ўзгача ҳавас билан қараганмиз. Уларнинг салобатию аскарлик кийимлари ҳам ўзгача қизиқиш уйғотарди. Улардек мард, кучли бўлиш истаги илк бор ўша пайтларда пайдо бўлган бўлса ажабмас. Ахир ватанинг ҳар бир содиқ фарзанди учун унинг тинчлиги

йўлида хизмат қилиш шарафли бурч. Осмонимиз мусаффолигини сақлаш учун, аввало, кучли армия бўлиши керак. Шу боис ҳукуматимиз томонидан миллий армиямиз куч-қудрати салохиятини юксалтиришга алоҳида эътибор берилётгани халқимиз томонидан эътироф этилмоқда. Айниқса «Ўзбекистон Республикаси

Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги Қонун бу соҳадаги ишлар такомиллашуви йўлида яна бир амалий қадам бўлди, деб ўйлайман. Юртбошимиз яқинда Наманган шаҳридаги сержантлар мактабида ҳарбийлар билан бўлган учрашувда ҳам ушбу фикрни яна бир бор таъкидлаб ўтдилар. Зеро, Қуролли кучларимиз қанчалки қудратли бўлса, тинчлигимиз, фаровонлигимиз шунчалки кафолатланган демакдир.

Хуришд КАРИМОВ,
табаба.

ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН

Истақ

«Гурунг» учун раҳмат

Хар бир газета-журналининг ўз ўқувчилари бўлади. Шу маънода «Халқ сўзи» да «Гурунг» саҳифасининг ташкил этилгани биз муҳлисларни жува қувонтирди. Бу, газетанинг мавзу ва жанр жиҳатидан қўламини янада кенгайтирган. Таҳририят ходимларини бу саяёҳаракатидан сўнг муҳлислар сони яна бирмунча ортади, деб ўйлайман.

Истардимки, ана шундай янги-янги саҳифалар, мавзулар кўпайиб бороверса.
Одилжон ШОПЎЛАТОВ.
Сайхунбод тумани.

Ҳайронмиз

Ажабо!

Ў.ХУЖАНАЗАРОВ, Н.ОЛЛОЁРОВ, Х.ЧЎТБОВЕ, Ж.БОЛТАЕВ, Б.ХУЖАМҚУЛОВ (Шўрчи тумани, Кўлтөпа қишлоғи):

— Ўша кун янги йил байрами эди. Вилоят "Адолат" телевидениеси орқали Кўлтөпа қишлоғига газ улаштириш, деб хабар беришди ва аланга ёнганини кўрсатишди. Ҳатто экранда ҳоким ўринбосари ва маҳалла раисининг бу "шодбаҳона"ни нишонлаб, бир-бирга тўн қийдириганини ҳам намоиш этишди. Сўнг туман газетасида мақтуб ёзишди. Биз ҳайрон бўлдик. Чунки ўша кун ҳам, ундан кейин ҳам Кўлтөпада бирор-бир хонадонда газ ёнмади.

Бизнингмиз шукки, бир пайтлар маҳалла раиси қишлоққа зангори олов олиб келамиз, деб аҳолидан пул йиққан эди. Лекин на газ келтириш, на пулни эгаларига қайтарди.

да қийналиб, ишта жойлаштиришда ёлғизлигини қолганидан ўксинган. Пировардида "Болам соғлигида Ватан қорига яраганди, энди ҳеч кимга керак бўлмай қолди?" деган саволни ўртага ташлади.

Расмий жавобда эса собоқ аскар онасининг шикоят мутасаллилар томонидан атрофлича ўргангани, Фаргона ҳарбий госпитали бошлиғига Тўлқин-

Ўз-ўзини бошқарув моҳияти

Маълумки, маҳаллаларга эндиликда янада катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги ўттиш даврда, ўз-ўзини бошқарушнинг қанчалки аҳамияти бор? Бундай илора, ташкилотларнинг республикамиздаги иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотларни олиб боришдаги ўрни қандай?

Ф.АХМADЖОНОВ,
Тошкент шаҳри.



Ушбу мазмундаги саволлар жомбайлик Н.Ашуров, А.Маматовлар мактубларида ҳам бор. Ҳуқуқимнос мутахассис уларни умумлаштириб қўйиладиган жавоб беради.

Сураган эдингиз...

Маҳаллий ўз-ўзини бошқарушнинг асосий моҳияти бу давлат, ҳукумат билан муносабатда худудий жамоалар ва органларнинг маъмурий мустақиллигини аниқлаш. Бу мустақиллик қонунчиликка асосланган.

Маъмурий ўз-ўзини бошқаруш ҳуқуқи ихтиёрдир. Чунки ўз-ўзини бошқарув ҳудудий маъмурий мустақилликка эга. Шунинг билан бир қатар, маъмурий мустақилликнинг асосий шартлари ҳамда қонунчиликнинг ривожланиши, аҳоли бандлиги, истеъмол бозорини тўлдирishi, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ ва-


вазифаларни бажариб, давлат ишлари осонлаштирилади. Бунда маҳаллий жамоалар ва уларнинг органлари юридик шахс мақомига эга бўлади. Улар қаторига қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғини, фуқаролар йиғини Кенгаши, фуқаролар йиғинининг асосий фаолият йўналиши бўйича комиссия, шунингдек, марказдан олисадиги қишлоқ, овул, аҳоли пунктларида ташкил этиладиган маъмурий комиссия, фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссиялари, турли нодавлат жамоат ташкилотлари кирadi.

Маъмурий ўз-ўзини бошқарушнинг асосий моҳияти бу давлат, ҳукумат билан муносабатда худудий жамоалар ва органларнинг маъмурий мустақиллигини аниқлаш. Бу мустақиллик қонунчиликка асосланган.

... Кўланкаси майдон

Адолат ТОШМУРОДОВА, Хосият ДИЛЛАЕВА, Уғил ДАВЛАТОВА, Рисолат КУДРАТОВА ва бошқарилган (Чирқоч тумани, «Кўқала» ширкат хўжалигининг 6-бўлимидан):

— Қишлоғимиз етти йил бурун эндиликда улаштирилган ерда чирой очган. Оқсоқолларимиз уни эзгу ниятда «Янги-обод» деб аташган. Афсуски, вақт ўтиши билан жисми исмига монанд келмай қолди. Бошқа масалаларни қўя турайлик, биргина электр токи муаммосини олайлик. Уни ҳал этиш на хўжалигимиз раҳбарларининг, на нуричларнинг ҳаёлига келди.



Ахирги, ўзимиз иложини топдик. Ҳашар йўли билан қўлбола устулар ўрнатиб, сим тордик. Бариниб қувончимиз узоққа чўзилмади. Чирқоқларимиз кунига бор-йўғи 10-15 дақиқадан ёниб, асабимизга тега бошлади. Ҳозир ҳам аҳолимиз шу: радио эшитиб, те-

Ўн тўрт йилда ҳам битмас...


Қишлоғимизда 1989 йил 420 ўринли мактаб қуришнинг бошланган эди. Бу йомуш кўп ўтмай, молиявий қийинчилик туғайди, тўхтаб қолди. Бу тўғрида бир неча бор туман, вилоят ҳокимликларида мурожаат қилдик. 2002 йили вило-

ят ҳокими ўринбосари имзоси билан мактаб қурилиши қисқа муддатда тугатилиши ҳақида жавоб ҳам олдик.

Амалда-чи? Мактаб қурилиши давом эттирилганича йўқ. Наҳотки бу масалани 14 йил мобайнида ҳал қилишнинг им-

Таҳририятга хат

Арсатда қолган маҳаллалар
Биз, беш мингдан ортиқ фуқаро Наманган туманининг «Самарқанд» ширкат хўжалиги худудига ташкил топган «Бедон», «Бўстон», «Гўстон» маҳаллаларига кўчиб чиққанмишда 1992 уч йилдан ошди. Вилоят ҳокимлигининг 1992 йил 7 декабрдаги қарори билан бу жойлар шайхар тасарруфига берилган. Ушун йил қўқала-ҳар тасарруфига берилган. Наманган туманининг қайим Наманган шаҳар ҳокимияти томонидан қайим Наманган шаҳар ҳокимияти ижросида рўқсатдан ўтказиш, худудимизни ижтимоий ривожлантириш масалалари эътибордан четда қолмоқда.



— Мен шу дашту далада тугуладим. Бу ернинг ҳар гўёҳи ҳам қадрли, — дейди қонимеханик бўлажак чўпон Нурдавет Серикбоев.

С. ЗУФАРОВ олган сурат.

ЕТУК ВА БАРКАМОЛ КАДРЛАР

Хадемай ана шундай орзу-мақсадларни ўз олдига қўйган битирувчилари вилоятлар марказларида, айниқса пойтахт кўчаларида кўпчилик учратамиз. Уларнинг ҳажсон ила чошиб, елиб юришига гувоҳ ҳам бўлармиз.

Республикамизда тайёрланган мутахассисларнинг халқ ҳўжасини ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти жиҳатидан Марказий Осиё, МДХ мамлакатлари ва ҳатто айрим хоржий давлатлардаги илмий муассасалар эътиборига тушган илм даргоҳлари ҳам бор. Шундан бири Тошкент темир йўллари муҳандислари институти саналади.

Биз институтининг ҳозирги фаолияти, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тайёрланаётган мутахассисларнинг сони ва сифати юзасидан қандай амалий ишлар олиб борилаётгани билан қизиқдик.



Саволаримизга мазкур институт ректори А. ОДИЛҲУЖАЕВ кўйидаги жавоб берди.

Институтида республикамиз олий ўқув юртлири ичида "отахон" даргоҳлардан саналади. У 1931 йилда Марказий Осиё ва Қозоғистоннинг энди ривожланиб келаётган темир йўл транспорти ва транспорт қурилиши соҳаларини муҳандис мутахассислар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган эди. Утган етмиш йилдан зиёд вақт мобайнида қанчадан-қанча тажрибали устозлар ишлашган, минггабалабалар сабоқ олишган. Улар ичида эндиликда республикамизнинг нуфусли идора ва ташкилотларида юқори даражасида хизмат қилган ва қилётган битирувчиларимиз борлигини афсусланамиз. Жумладан, эндиликда ФЭР ФА академиклари В.Қобулов, А.Глушенко каби 100 га яқин фан докторлари, 200 нафардан ортиқ фан номзодлари мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида хизмат қилмоқда. Улар бизнинг фаримиз, гуруримиз. Нокамтарликка йўманг-у бугунги кунда Тошкент темир йўл муҳандислари институти Марказий Осиёдаги энг йирик олий техника ўқув юртлиридан бири, деб айта одамиз. Институтида ҳозирда республикамизнинг темир йўл транспорти, транспорт қурилиши ва иқтисодиёт тармоқларида 13 та таълим йўналиши бўйича бакалаврлар, шунин-

Хизмат сафаридан қайтаётиб, поездда бир гуруҳ ёш йигит-қизларнинг ўзаро сўҳбатига гувоҳ бўлган-дим. Гап-сўзларининг мазмунига қараганда вагондагилар баҳорги таътилда сайёҳатга чиққан мактаб битирувчилари эди. Улар ким қайси илм даргоҳига ҳўжжат топширмақчи эканлиги, ўзлари орзу қилган касбга эришишнинг пасту-баландликлари ҳақида сўз очишди. Шунда бир йигит темир йўл соҳасида ишлашни орзу қилишини, фақат бунинг учун қайси даргоҳга ҳўжжат топширишни аниқ билолмаётганлигини очик айтди.

— Демак, менинг акам ўқийтган институтга бормоқчи экансан-да, — деди шерикларидан бири.
— Аканг қаерда ўқийди?
— Тошкент темир йўл муҳандислари институтида, — дея мағрур жавоб қайтарди у.

Куч — билим ва тафаккурда

ми билан ҳамкорликда бу борада тегишли тадбир ўтказишди. Мазкур тадбир жараёнида ҳар бир битирувчимизга компания томонидан уларнинг мутахассислигига мос иш ўринлари таклиф қилинди. Битирувчиларимиз эса бу иш ўринлари тўғрисида ҳар томонлама маълумотга эга бўлган, таклифга бажониди рози бўлишганлигини айтиш ўринлидир.

— Мустақиллик йилларида институт фаолиятидаги янгилашувлар, илмий-усулбий ишлардаги янгиликлар нималардан иборат?

— Институт кафедраларида давр талаби асосида ўқув-лаборатория базасини янги, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга, илмий ва ўқув-усулбий ишларини компьютер технологиялари билан таъминлашга катта аҳамият берилмоқда. Институт ҳудудида ягона тармоққа эга бўлган компьютер тизимини глобал тармоқларга улаш лойиҳаларини жорий қилиш борасида интенсив ишлар амалга оширилмоқда.

бериш технологияси ва тайёрлаётган мутахассисларимизнинг савиясига ижобий таъсир кўрсатишига имоним комил.

— Институтининг халқаро алоқалар борасидаги ҳамкорлиги тўғрисида нималар дея оласиз?

— Бугунги кунда Москва, Санкт-Петербург темир йўл университетлари, Новосибирск, Олмаота, Киев транспорт академиялари ва Россия Федерациясининг марказий темир йўл илмий-тадқиқот институти билан яқин илмий-иқодий ҳамкорлик шартномаларини имзолаганмиз.

Бу шартномалар томонлар учун манфаатли "Юк ташин қондаларини ишлаб чиқиш", "Локомотив деталларини тармоқ стандартлари асосида ишлаб чиқиш" каби мавзуларни назарда тутди. Илмий тадқиқотлар натижалари бўйича Р.Абдуллаев, Ш.Файзибаев, А.Авдеева, М.Ситнигина, М.Рўзиева, И.Охрименко, Т.Нурмухамедов, А.Глушенколар, шунингдек аспирант ва магистрантлар Москва, Санкт-Петербург, Ростов-Дон, Новосибирск, Олмаота шаҳарларида ўтказилган илмий анжуманларда ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Институт илмий-педагогик салоҳиятини мустаҳкамлаш, ёшларни илмий-педагогик фаолиятга жалб қилиш борасида халқаро ҳамкорлик алоқаларидан кенг фойдаланмоқдамиз. Жумладан, бугунги кунда Россия ва Украинанинг етакчи темир йўл олий ўқув юртлирида контракт асосида, уч-тўрт нафар ёш олимимиз аспирантура ва докторантурада таҳсил олмақда.

Институтидаги айрим шаҳарлар олий ўқув юртлири учун илмий ходимлар тайёрлаш жараёнида ҳам иштирок этмоқда. Жумладан, профессор-ўқитувчиларимиз Новосибирск, Олмаота ва бошқа темир йўл олий ўқув юртлирининг кандидатлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган илмий кенгаш аъзолари сифатида фаолият кўрмоқда.

Бу омиллар институтишимизнинг МДХ олий ўқув юртлири орасида ҳам ўзига хос обрў-эътибори борлигидан далолат бериб турибди.

Ватаннинг ишонган тоғлари



Халқаро илмий-иқодий шартномаларга мувофиқ, сўнгги икки йил давомида институтида 1 докторлик ва 2 номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Биргина 2000 йилнинг ўзида институтишимизнинг етакчи профессор-ўқитувчилари Испания, Голландия, Германия каби мамлакатларда бўлиб ўтган илмий анжуманларга таклиф қилинди ва иштирок этдилар. Ўзбекистон Республикаси ФА академиги А.Лаврик икки мартаба Анжуманга математикларнинг илмий анжуманига иштирок этиш учун таклиф қилинди. Доцент М.Мирзахмедов сўнгги ўн йил давомида шартнома асосида Гвинейнинг Конакри университетиде ишлаб қайтди. Ўз фаолияти давомида у француз тилида 10 дан ортиқ дарсликлар ва ўқув қўланмалари чоп қилдирилди. Профессор Х.Тўранов шартномага мувофиқ 1997 йилдан буён Новосибирскнинг Сибир темир йўл давлат университетиде фаолият кўрмоқда.

Халқаро алоқаларини кенгайтиришда республикамизнинг "Устоз" ва "Умид" жамғармалари имкониятларидан ҳам кенг фойдаланмоқдамиз. Бугунги кунда "Устоз" жамғармасининг 5 нафар грант соҳибдорлиги институтида фаолият кўрмоқда. Улар малака ошириш мақсадида Малайзия, Япония ва Германия каби давлатларнинг олий таълим масканларида бўлиб қайтидилар.

— Домла, талабаларнинг, жумладан бакалавр ва магистрларнинг фаолиятини қан-

дай баҳолайсиз?

— Юқориде айтиб ўтганимдек, илмий-тадқиқот ишларида институтининг иқтидорли бакалаврлари ва магистрантлари ҳам фаол иштирок этиши аниқ айданган.

Институтининг магистрантлари орасида талайгина муваффақиятларни қўлга киритган ва ўз илмий тадқиқотлари билан соҳа мутахассисларининг назарига тушган талаба ёшлар мавжуд. Мисол учун, магистрант З.Шерматов Пермь шаҳрида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда ҳамда Москва темир йўллар давлат университетиде бўлиб ўтган халқаро анжуманда иштирок этди.

2001-2002 ўқув йилларида Новосибирск шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманда иккинчи курс магистранти Х.Абдужаборов "Замонавий бошқичда транспортнинг долзарб муаммолари" мавзусида маърузаси билан қатнашиб, кўпчилиكنинг олқишига сазовор бўлди.

Институтида иқтидорли талабаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Кўпгина институтишимиз талабаларимиз Республика миқёсидаги илмий стипендия соҳиблари бўлишар. Жумладан, талаба Ж.Нурмухамедов 2001-2002 ўқув йилида Президент стипендиясига сазовор бўлди. Шунингдек, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК томонидан ҳам иқтидорли талабаларимиз учун махсус стипендия жорий этилганки, бу ҳол компаниянинг институти томонидан кадрлар тайёрлаш жараёнига ҳамшира эътибор билан қараб келаётганига ёрқин мисол бўла олади.

Тизимда амалга оширилаётган иш-лоҳотларни мукамаллаштириш ва самарали татқиқ этиш мақсадида, имкон қадар ёш ва гайратли мутахассисларни жалб этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу бонс институтишимиз профессор-ўқитувчилари таркибига ёш ва юқори малакали кадрларни жалб этиш асосий вазифалардан бири деб белгиланган. Зеро, масъулият тўғри анланса, мақсадга етиш осон кечади.

Рустам ЁРЛАҚАБОВ,
"Халқ сўзи" муҳбири,
Дилшод УСМОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РЕСПУБЛИКА МИҚЭСИДАГИ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТ

Лицей-интернат Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Ўрта махсус, касб-хунаар таълими марказининг 1992 йил 3-сонли буйругига асосан 1993 йилда Тошкент давлат техника университети қошида ташкил топган.

Лицейда ўқитишлар асосан кўйидаги икки — аниқ ва табиий йўналишларда олиб борилади.

Аниқ фанлар бўйича физика, математика ва табиий йўналиш бўйича эса математика, кимё фанлари чуқур ўргатилади. Бундан ташқари инглиз тили ва информатика фанлари ҳам эътибор катта.

